

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped 02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАННАБОВ ЖАВЛОН ТОХИРОВИЧ

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Маннабов Жавлон Тохирович

Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик
компетентлигини такомиллаштириш.....5

Маннабов Жавлон Тохирович

Совершенствование технологической компетентности учителей в процессе
дистанционного образования.....22

Mannabov Zhavlon Tokhirovich

Improving the technological competence of teachers in the process of distance
education.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped 02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАННАБОВ ЖАВЛОН ТОХИРОВИЧ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped1284 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифасида (<https://www.samdu.uz/uz/pages/ixtisoslashtirilgan-kengashlar> ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Нарзикул

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Ризамат Давронович.

педагогика фанлари доктори, профессор

Мустафоев Шомурод Нормуминович.

п.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD), дацент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ кун тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш котиби,

пед.ф.б. фалсафа доктори (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,

педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Интернет технологиялари асосида ўқитувчиларнинг касбий даражасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, масофавий таълим шаклининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги юқори баҳоланади. Ўқитувчилар малакасини оширишга ихтисослашган таълим ташкилотлари томонидан онлайн шаклда ўқитишнинг илғор педагогик ёндашувлари, илмий-методик маълумотларни етказишнинг кўп қиррали, кўп йўналишли ва эмоционал-коммуникативлик омилларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Дунёда глобал ва кенг қўламли ахборотлаштириш шароитида ўқитувчиларнинг Интернет технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, инновацион таълим технологиялари ва ахборот технологияларини интеграциялаш, ўқитувчиларнинг профессионаллик даражасини оширишда масофавий таълим шароитига хос компетенциялари таркибини аниқлаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва фан, техника, иқтисодиёт ҳамда жамият ривожланиши олдига қўйилган янги талаблар ўртасидаги тафовутни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида педагог ходимларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Халқ таълими соҳасидаги узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирларида “халқ таълими ходимларининг малака ошириш бўйича эҳтиёжларини ўрганиш, анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турлари жорий этиш”¹ белгиланган. Бу эса ўқитувчиларнинг Интернет технологиялари соҳасидаги технологик компетентлиги моҳиятини ёритиш, ўқув-услубий мажмуаларни ва тармоқ ўқув ресурсларини яратиш, ижобий натижаларни умумлаштириш, муаммоли вазиятларни ҳал қилишда мутахассисларни самарали ва мақбул ҳаракатларга ўргатиш муаммосини долзарблаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон қарори. 07/21/4963/0064

ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 25-сон “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ҳамда педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда малакали кадрлар касбий тайёргарлигини турли аспектларда такомиллаштиришга доир фундаментал тадқиқотлар, электрон таълим муҳитини ташкил этиш ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари ҳамда бўлажак муҳандисларни математика ва табиий-илмий фанлар негизда касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича мамлакатимиз олимларидан Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Курбонов, А.Абдуқодиров, А. Аскарлов, У.Бегимқулов, Х.И.Ибраимов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, Н.Шодиев, З.К.Исмаилова, А.Ҳайтов, Ф.М.Закирова ва бошқа олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ақс эттирувчи илмий концепциялар тадқиқотларимизга, унинг методологик асосларига катта таъсир кўрсатди. Биринчи навбатда улар қуйидаги муаллифларнинг диссертацияларининг асосий таркибини ташкил этади: Мустақил Давлатлар Ҳамдуслиги (МДҲ) олимлари: М.В.Махмутова, Э.Б.Новикова, И.А.Протасова, Н.И.Городецкая, Т.Б.Иванова, Т.В.Громова, Н.Ю.Субботина, К.Ш.Шарифзянова ва хориж олимлари: I.Allen, A.Amadco, J.Seaman, H.Kappel, V.Lehmann, J.Loeper, V.Holmberg, M.Dougiamas, P.Taylorлар томонидан ўрганилган.

Интернет технологияларидан психологик-педагогик фойдаланиш нуқтаи назаридан, қуйидаги олимларнинг тадқиқотлари биз учун алоҳида қизиқиш уйғотади: Мустақил Давлатлар Ҳамдуслиги (МДҲ) олимлари: А.А.Ахаян, Н.В.Борисова, Л.И.Долинер, А.П.Ершова, В.В.Кравец, Н.П.Лапшина, М.В.Махмутова, В.Могилева, А.П.Монахова,

С.Ю.Никифорова, Е.С.Полат, В.М.Чижикова, О.В.Шликовалар томонидан ўрганилган.

Юқорида қайд этилган муаллифлар ишларида ўқитувчининг Интернет технологиялари соҳасидаги касбий компетентлиги тушунчаси деярли янги йўналиш эканлиги сабабли деярли кўриб чиқилмаган. Мазкур тадқиқотчи-олимларнинг изланишлари ахборот-коммуникация компетентлигининг умумий тушунчаларига бағишланган. Бундан ташқари, уларнинг тадқиқот ишларини таҳлил қилар эканмиз, ўқитувчиларни малака ошириш тизимида масофавий ўқитиш шароитида Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммосига бағишланган тадқиқотларни учратмадик.

Шу билан бирга, ахборот ва инновацион технологияларни ривожланиш тезлиги ва таълимий ҳамда илмий ютуқлардан ижодий фойдаланиш даражаси ўртасида; жамият ўқитувчиларнинг психологик-педагогик тайёргарлиги, уларнинг умумий ва касбий маданияти ҳамда касбий компетентлигининг етарли эмаслиги билан юқори талаблари ўртасида; ўқитувчиларни доимий равишда малакасини ошириб бориш зарурати, уларни таълим ривожланишининг ўзгарувчан шароитларига мослашуви ва ўқитувчиларни узлуксиз таълим тизимининг анъанавий таълим шакллари доирасида ушбу муаммони ҳал қилишга тайёр эмаслиги каби номуносибликлар мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № SPed-01 рақамли “Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг замонавий стратегиялари” (2021-2025 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ўқитувчиларининг малакасини масофадан оширишни ташкил этиш шароитида уларнинг технологик компетентлигини шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш тизимида ўқитувчиларни масофадан ўқитишнинг психологик-педагогик асосларини аниқлаш;

Интернет-технологиялар соҳасидаги ўқитувчиларнинг технологик компетенлигининг моҳиятини аниқлаш;

малака ошириш тизимида масофадан ўқитиш жараёнида Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шартларини кўриб чиқиш;

малака ошириш тизимида Интернет технологиялари шароитида масофавий ўқитишда ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини шакллантириш муаммосининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

малака ошириш тизимида Интернет технологияларидан масофавий ўқитиш шароитида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини

шакллантириш бўйича тажриба-синов методикасини ишлаб чиқиш ва уни самарали тадбиқ этиш йўллари аниқлаш.

Тадқиқот объекти малака ошириш тизимида ўқитувчилар технологик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ҳамда Жиззах вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказининг 452 нафар тингловчилари иштирок этган.

Тадқиқот предмети таълим тизимининг масофавий ўқитиш технологиялари шароитида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий назарий - ўрганилаётган масалалар бўйича адабий манбаларни, шу жумладан тарихшунослик, меъёрий-ҳуқуқий база ва Интернет материалларини ўрганиш; масофавий ўқитишни амалга ошириш учун дастурий-услубий мажмуаларнинг бутун спектрини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Эмпирик - педагогик моделлаштириш; ташхислаш, шу жумладан сўровномалар, анкеталар, интервью, кузатув; педагогик тажриба; ижодий фаолият натижалари ва тингловчиларнинг яқуний ишлари таҳлили.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интернет–технологиялари бўйича ўқитувчиларнинг технологик компетентлиги моҳияти касбий малакани оширишда умумтаълим фанларини ўқитишнинг методик ва дидактик хусусиятларига кўра масофавий ўқитишдан фойдаланишнинг технологик ва мазмунли шартларини (халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш, ижтимоий-психологик шароитлар, педагогик талабларнинг ортиши) киритиш асосида очиб берилган;

ўқитувчининг технологик компетентлиги компонентлари таркиби ахборот технологиялари соҳасида электрон ресурсларни яратишнинг реверсив алгоритмига кўра педагогнинг технологик даражаси мазмунини рефлексив белгилаш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ўқув мазмунига қўйиладиган талаблар диагностик ва табақалаштирилган таълим мақсадларининг таксономик боғланишларига кўра технологик компетентликни такомиллаштириш тузилмасини ишлаб чиқиш асосида белгиланган;

масофавий шаклда ўқитувчилар малакасини оширишнинг ўқув-методик таъминоти ўқув материалларини идрок этишнинг аудиовизуал тизимларига мос интерактив, мультимедиали тарзда тақдим этиш имкониятига “Ўқитувчи касбий фаолиятида Интернет технологияларидан фойдаланиш” модулли дастурини таксономик даражаларга мос шакллантириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик модели ишлаб чиқилган;

ўқитувчилар ўзини-ўзи мустақил технологик компетентлигини ривожлантирувчи электрон қўлланма яратилган;

таълим тизимида масофавий ўқитишдан фойдаланган ҳолда Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини самарали ошириш учун педагогик шартларнинг амалий аспекти ишлаб чиқилган;

ўқитувчиларнинг Интернет технологиялари соҳасидаги компетентлигини ривожлантирувчи тушунчасининг моҳияти аниқланди;

Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини ривожлантирувчи “aktmahorat.uz” номли Web-сайт яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг дастлабки назарий ҳолатлари ва муаллифнинг назарий билимлари, турли хил маълумот манбалари ва унинг мантикий-илмий аппаратларига мос келадиган кенг қамровли тадқиқот методологиясини амалга оширишнинг асосланганлиги билан таъминланган. Эмпирик материалнинг ўзига хослиги, уни бир неча бор синаб кўриш натижасида олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш имконияти яратилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, шунингдек, олинган материаллар ва технологияларни ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида амалий қўллаш имконияти, фойдаланилган тажриба-синов методикасини асослилиги ва мавзуга мос келадиган тадқиқот усуллари тўпламидан фойдаланиш билан тасдиқланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимида Интернет технологиялари соҳасида технологик компетентлигини шакллантириш бўйича масофавий ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларни аниқланганлиги; технологик компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган жараённинг ташкилий-педагогик тузилмасини ишлаб чиқилганлиги; технологик компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган муаллифлик курсини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Интернет-технологиялар соҳасида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини самарали шакллантириш учун педагогик шартларни шакллантириш ва амалий синовдан ўтказишдан иборат бўлди. Асосий материаллар, ғоялар, ҳолатлар, шакллантирилган педагогик шартлардан нафақат ўрта мактабларда, балки олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкин. Мавжуд тизим худудий ва республика миқёсида масофавий ўқитишнинг электрон курсларини алмашиш имкониятини яратади ва таълим муассасаларига инновацион ишланмаларни тезда жорий қилишга ёрдам

беради. Бундан ташқари, у таълим бўлимининг услубий хизматларига ўқитувчиларни тайёрлаш динамикасини тезкор равишда кузатиб бориш ва таҳлил қилиш, уларнинг талабларига жавоб бериш ва курс дастурларига ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

интернет–технологиялари бўйича ўқитувчиларнинг технологик компетентлиги моҳияти касбий малакани оширишда умумтаълим фанларини ўқитишнинг методик ва дидактик хусусиятларига кўра масофавий ўқитишдан фойдаланишнинг технологик ва мазмунли шартларига оид илмий методик натижалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ОТ–Атех-2018-519 “Компьютер имитацион моделлари асосида виртуал ресурслар Web – иловасини дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-961/04-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа натижасида Интернет-технологиялари соҳасидаги ўқитувчиларнинг технологик компетентлигининг моҳиятини аниқлашга шароит яратилган;

ўқитувчининг технологик компетентлиги компонентлари таркиби ахборот технологиялари соҳасида электрон ресурсларни яратишнинг реверсив алгоритмига кўра педагогнинг технологик даражаси мазмунини рефлексив белгилаш, ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ўқув мазмунига қўйиладиган талаблар диагностик ва табақалаштирилган таълим мақсадларининг таксономик боғланишларига кўра технологик компетентликни такомиллаштириш тузилмасига оид таклифлардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган И-ХТ-0-19929 “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-961/04-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа натижалари малака ошириш таълим тизимида интернет технологияларидан масофавий ўқиш шароитида самарали фойдаланиш йўллари аниқлашга эришилган;

масофавий шаклда ўқитувчилар малакасини оширишнинг ўқув-методик таъминоти ўқув материалларини идрок этишнинг аудиовизуал тизимларига мос интерактив, мультимедиали тарзда тақдим этиш имкониятига “Ўқитувчи касбий фаолиятида Интернет технологияларидан фойдаланиш” модулли дастурини таксономик даражаларга мос шакллантиришга оид таклифларидан интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида лойиҳалашда

фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-961/04-сон маълумотномаси). Натижада масофавий ўқитишда ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини шакллантириш муаммосининг ҳозирги ҳолатини ўрганишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 12 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола жумладан, 2 таси хорижий журналларда 3 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўқитувчиларнинг малака ошириш тизимида масофавий таълимнинг психологик-педагогик асослари ҳақида таҳлилий фикр юритилган.

Масофавий таълим устида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили унинг тавсифий жиҳатларини аниқлаш ва ифодалаш асосида: 1. Манипуляцион мослашувчанлик: масофадан туриб ўқитиш тизимида таълим олувчилар мунтазам равишда ташрифлар ва машғулотларга мажбурий қатнашиш билан чегараланмаган ҳолда мослашувчан шахсий график тартибида шуғулланиши; 2. Модуллик: яхлит ўқув курси алоҳида, мантиқий тугалланган блоklar - модулларга бўлиниб, таълим олувчи ўз талабларидан келиб чиқиб, ўзи учун керакли таълим курсини шакллантириш мақсадида блоklar тўпламини танлаши кўрсатиб берилган.

Масофадан ўқитиш таълимнинг унификациялиги билан шартланган бўлиб, у машғулотлар ўтказиш жойлари, худудлар, ўқитувчилар, техник ва моддий ресурсларнинг интенсив ишлашга йўналтирилганлиги, тингловчилар сонининг максимал даражасида рухсат этилганлиги билан ва

сарф харажатларнинг тезда қопланиши билан тавсифланади.

Таҳлиллар, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида масофавий технологиялардан фойдаланишнинг баъзи жиҳатларини: ахборотлаштириш даврида, масофавий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимизнинг глобал ахборот ҳамжамияти билан алоқаларини ривожлантириши; ягона таълим маконини яратиш, таълим технологияларини жорий қилиш учун алоқа инфратузилмани такомиллаштириш; масофадан ўқитиш тизимини ривожлантириш, бу ҳақда жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш, масофавий таълим воситаларидан фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратиш; ўқитувчиларнинг малака ва касбий маҳорат даражасига қўйиладиган талаблар тобора ошиб боришини ажратиш кўрсатиш имконини берди.

Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчининг касбий технологик компетентлигини такомиллаштириш муаммоси юзасидан “ўқитувчининг касбий технологик компетентлиги” тушунчаси моҳияти аниқлаштирилиб, ўқитувчининг касбий технологик компетентлиги ва унинг таркибий мазмунини таърифлаш ва асослаб бериш амалга оширилган. Назарий таҳлиллар ҳамда шахсий педагогик тажрибани умумлаштиришдан келиб чиқиб, “ўқитувчининг технологик компетентлиги” тушунчаси мазмуни ва таркиби қуйидагича: ўқитувчининг технологик компетентлиги деганда педагогнинг касбий меҳнати жараёнида самарали натижага эришишга қаратилган кадриятлари, касбий ва функционал билим, кўникма, малака ҳамда шахсий сифатларни қамраб олувчи интеграциялашган технологиялар билан боғлиқ шахсга тегишли характеристикалари тушунилади.

Ўқитувчининг технологик компетентлиги мазмуни - малакавий тавсиф билан белгиланади. Малакавий тавсиф – ўқитувчининг назарий-амалий тажрибаси даражасига нисбатан унга қўйиладиган талаблар бўлиб, у ўзида педагогнинг компетентлик моделини ифода этган ҳолда, касбий билим, кўникма ва малаканинг илмий исботланган таркибини акслантиради.

Ўқитувчининг технологик компетентлиги таркибини умумлашган ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, унинг таркибида қуйидаги компонентларни ажратиш кўрсатиш мумкин: мотивацион компонент – педагогик фаолият мақсад ва вазифаларига мос келувчи эҳтиёж, қизиқиш, қадрият ва муносабатлар ҳамда уларнинг интеграциялашган компонентлари мажмуаси; когнитив компонент – педагогик фаолият, фанни билиш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик-психологик асослари, шу кабиларни амалга ошириш учун зарурий билимлар йиғиндиси; амалий компонент – ўқув-тарбиявий вазифалар, инсонлар ўртасида ўзаро мулоқотни ташкил этиш, ўқув ахборотини тартибга солиш ва ўқувчиларга етказиш ва шу кабиларни амалий ҳал этиш учун зарурий кўникмалар мажмуаси; шахсга доир компонент – касбий

фаолият учун муҳим шахс сифатлари: коммуникативлик, жавобгарлик, рефлексияга тайёрлик, ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, ўзини бошқаришга қодирлик ва шу қабиларнинг йиғиндиси.

Интернет технологиялари соҳасида технологик компетентликни таълим бериш, малака ошириш ва мустақил ўрганиш мобайнида олинадиган айрим компонентлар ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялар мажмуаси, шунингдек, интернет технологияларни қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориш қобилияти сифатида таърифлаймиз.

Келтирилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, “интернет технологиялари соҳасида ўқитувчининг технологик компетентлиги замонавий компьютер воситаларини қўллаш кўникмалари, интернет технологиялари, уларни ўз касбий фаолиятида умумий таълимнинг сифат жиҳатидан янги парадигмасини барпо этиш мақсадида моҳирона қўллаш қобилияти билан ишлаш хусусиятларини назарда тутди” деб таърифлашимиз мумкин.

Диссертацион тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг касбий технологик компетентлигини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш йўллари ва модели устида атрофлича фикр юритилган.

Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида технологик компетентликни такомиллаштириш учун предметга йўналтирилган таркибий тузилмага алоҳида эътибор қаратилди. Таркибни тузишда бундай ёндашув масофавий таълим билан биргаликда ўқитувчиларга ўқув жараёнида, шахсий ва касбий муваффақиятларда энг юқори даражада ўз-ўзини бошқариш имкониятини беради. Индивидуал ўқув маълумотлари модуллари гуруҳларини бирлаштирган ҳолда ўқитиш мазмунига табақалаштирилган ёндашувни амалга оширади. Бундан ташқари, малака ошириш жараёни таркибидаги модулли асос масофавий таълимни режалаштириш ва ривожлантиришга имкон беради.

Интернет технологиялари соҳасидаги технологик компетентликни такомиллаштириш, малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг назарий, услубий ва амалий тайёргарлиги жараёнида амалга оширилади.

Масофавий таълим жараёнида ўқитувчининг методик тайёргарлиги эса тўғридан-тўғри меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади, бу эса унга олган билимларини касбий фаолиятида зудлик билан ишлатишга ва таълим олувчилар билан доимий алоқада бўлиш имкониятидан фойдаланган ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш, нафақат ўқитувчини компетенциясини ўзгарган тузилишини, балки унинг таркибий қисмларининг сифатига ижобий таъсирни ҳам ўз ичига олади. Умуман

олганда, интеллектуал капиталнинг кўпайиши – касбий компетенцияга асосланган ижодий, назарий, амалий кўникма ва қобилиятларнинг яхлит мажмуидир.


Одатда, масофавий ўқитиш қуйидагиларни: матн шаклида педагог томонидан тайёрланган маърузалар матнини тингловчилар томонидан мустақил ўзлаштирилиши; мавзулар ва бутун курс бўйича билимларнинг ўзлаштирилиши текшириш онлайн тестдан ўтиш орқали амалга оширилиши; таълимий видеосюжетларни кўриш; (ZOOM)тизими орқали бевосита ўқитувчилар томонидан маърузаларни ташкил этилиши ҳамда савол-жавобларнинг онлайн тарзда ташкил этилишини ўз ичига олади.

Интернет-технологиялар соҳасидаги ўқитувчиларнинг малакасини доимий равишда ошириш вазифаси масофавий таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу соҳадаги узлуксиз таълим жараёнига жалб қилинган ўқитувчилар сонини максимал даражада ошириш ва ўқитувчиларни ишлаб чиқаришдан ажратишни истисно этадиган алмаштириш муаммосини ҳал қилишга имкон беради.

Бундан ташқари, масофавий таълимнинг муҳим омили - ўқитувчининг касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал таълим сегментида ишлай олиш қобилияти ҳамдир.

Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш модели устида тўхталадиган бўлсак, у қуйидаги: мотивацион-қадриятли, когнитив-амалий, рефлексив-лойиҳалаштириш компонентларни ўзида намоён этади (1-расм). Мотивацион-қадриятли - таълим жараёнида интернет технологияларини қўллашга нисбатан касбий-шахсий мушоҳада; когнитив-амалий компонент - интернет технологиялари соҳасидаги билим, кўникма ва малака даражасини ҳамда педагогик фаолиятни амалга ошириш чоғида уларни қўллаш бўйича методик қобилиятларни белгилайди; рефлексив-лойиҳалаштириш компонент - ўз даражасини объектив баҳолашга қодирлик ва унинг ўсишини таъминловчи шароитларни аниқлаш; интернет технологиялари соҳасидаги компетентлиликнинг компонентлари бўлиб хизмат қилади.

Интернет технологиялари соҳасида педагогнинг технологик компетентлигини шакллантириш таркиби ва даражаларини кўриб чиқишга доир методик ёндашувларни таҳлил қилиш натижасида интернет технологиялари соҳасида педагогнинг технологик компетентлиги қуйидаги компонентларни: таълим жараёнида интернет технологияларини қўллашга бўлган мотивациялашув даражасини ўз ичига олувчи мотивацион-қадриятли компонент; интернет технологиялари соҳасидаги билимлар, кўникма ва маҳоратни, педагогик фаолиятни амалга ошириш чоғида уларни қўллаш бўйича методик қобилиятларни аниқлаб берувчи когнитив-амалий компонент; рефлексив-лойиҳаловчи компонент, интернет технологиялари соҳасида ўзининг компетентлик даражасини объектив баҳолашга қодирлик ва унинг ривожланиш шароитларини аниқлаб олиш



1-расм. Масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини такомиллаштириш модели.

имконига эга бўлинди. Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Ўқитувчиларни касбий технологик компетентлигини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланиб, унда масофавий таълим орқали малака ошириш тизимида педагогик кадрларни касбий технологик компетентлигини шаклланишининг жорий ҳолати амалий тадбиқи қараб чиқилган.

Тадқиқотлар бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш ва ўқитувчиларнинг узлуксиз таълим тизимида масофавий ўқитишнинг амалий тажрибасини умумлаштириш орқали Интернет-технологиялар соҳасидаги ўқитувчиларнинг компетентлигини оширишнинг назарий шартларини аниқладик. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимида энг кўп учрайдиган хато ва қийинчиликларни умумлаштирдик.

Масофавий ўқитиш шароитида Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг касбий технологик компетентлигини шакллантириш бўйича тажриба-синовнинг объектив манзараси, умумий ғоянинг мавжудлиги, масофавий таълимни амалга оширишнинг психологик-педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз касбий малака оширишни амалга оширишдан иборат.

Тажриба-синовнинг қайд этувчи босқичида олинган маълумотлар ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларнинг масофавий ўқитишнинг мумкин бўлган мазмуни, шакл ва методларига бўлган эҳтиёжларини аниқлашга имкон беради.

Тажриба синов майдончалари сифатида учта малака ошириш марказилари танланди. Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ҳамда Жиззах вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази танлаб олинди.

Тажриба-синовни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида, яъни қайд этувчи, шакллантирувчи ва натижавий босқичларига мос равишда дастлабки, жорий ва якуний ташхислаш ишлари олиб борилди. Унда қуйидаги: таълим жараёнининг боришини кузатиш, суҳбат, анкета сўровномаси, умумлаштириш ва олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили каби методлардан фойдаланилди.

Тингловчиларнинг ўз устида ишлаши даражасини ўрганиш мақсадида виртуал сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома натижасида қуйидаги маълумотларга эга бўлинди: аксарият тингловчиларда ўз устида ишлаш қобилияти ва кўникмасининг шаклланганлик даражаси анча паст эканлиги аниқланди; 40 фоиз респондентларда ўртача даража аниқланди; умумий тингловчилар сонининг 26 фоизида эса юқори даража қайд этилди (1-жадвалга қаранг).

1- жадвал.

Тажриба-синов ўтказилган малака ошириш марказлари бўйича тингловчиларни умумий баҳолаш натижалари


Барча вилоят малака ошириш марказларидаги ўртача Мотивацион-кадриятли; Когнитив-амалий; Рефлексив-лойихалаштириш ҳолатлари	Ўртача қиймат кўрсаткичи	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
	<i>Юқори</i>	59	26	90	40	60	26	71	31
	<i>Ўрта</i>	75	33	108	48	76	33	88	39
	<i>Паст</i>	91	40	27	12	91	40	68	30
ЖАМИ:		225	100	225	100	227	100	227	100

2-жадвал.

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба-синов сўнгида сўровнома натижаларининг умумий кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Танлов натижалари	
		Аналавий таълимни танлайман	Масофавий таълимни танлайман
Тажриба гуруҳи	225	26	201
Назорат гуруҳи	227	81	146

Тажриба синов ишларида ўтказилган натижаларнинг самарадорлиги куйидаги диаграммада келтирилган (2-расм.)



2-расм. Тажриба синов натижалари.

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стъудентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

3-жадвал

	1-танланма				
Тажриба гуруҳи	X _i	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	n _i	90	108	27	n=225
	2-танланма				
Назорат гуруҳи	Y _j	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	m _j	71	88	68	m=227

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{225} (90 \cdot 5 + 108 \cdot 4 + 27 \cdot 3) = \\ &= \frac{1}{225} (450 + 432 + 81) = \frac{963}{225} = 4,28 \approx 4,3\end{aligned}$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{4,28}{3} \cdot 100\% = 143\%$$

$$\begin{aligned}\bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{227} (71 \cdot 5 + 88 \cdot 4 + 68 \cdot 3) = \\ &= \frac{1}{227} (355 + 352 + 204) = \frac{911}{227} = 4,01 \approx 4,0\end{aligned}$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y}\% = \frac{4,01}{3} \cdot 100\% = 133\%$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан (143–133) % = 10 % га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{143\%}{133\%} = 1,07$ баробар ортиқлигини англатади.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба–синов ишлари натижалари коммуникатив компетентликни шакллантириш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига киритилган ўқув методик таъминот ҳамда методика асосида олиб борилган назарий ва амалий, мустақил таълим машғулоти самарали эканлигидан далолат берди. Малака ошириш марказларида ўтказилган тажриба–синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

ХУЛОСАЛАР

Таълим тизимини модернизация қилиш тўлиқ ахборотлаштиришни, ишлатилаётган компьютер ускуналари ва интерфаол ўқув воситаларининг ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришни ва барча мактабларни Интернетга улашни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-5099-сонли “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори таълим тизимининг барча жабҳаларида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишни назарда тутди ва ўқитувчиларда технологи компетентлигини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ушбу дастур доирасида масофавий таълимни ривожлантириш устувор йўналиш ҳисобланади. Юқоридаги дастурларни амалга ошириш натижасида касбий малака ошириш таълим муассасаларида янги компьютер ускуналари ва интерфаол ўқув қўлланмалари пайдо бўлди.

2. Кўриб турганингиздек, таълим тизими ходимларининг малакасини ошириш доирасида масофавий ўқитиш воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти шубҳасиздир.

3. Мазкур шароитларда ўқитувчиларнинг Интернет технологиялар соҳасидаги касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

4. Ўқитувчининг касбий такомиллаштириш тобора педагогик ҳаракатларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини белгилайдиган компетентлилик даражаси билан тавсифланади.

5. Ушбу муаммонинг долзарблиги, мактабда Интернет технологиялари соҳасида юқори малакага эга, илмий-методик маълумотларнинг тобора кўпайиб бораётган оқимида ишлашга қодир, билим, қизиқишлари ва ижодий ривожланишини рағбатлантирадиган инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш ва жорий этишга тайёр бўлган профессионал ўқитувчиларга эҳтиёж борлигида намоён бўлади.

6. Тадқиқотимизнинг мақсади узлуксиз таълим тизимини масофадан ўқитиш шароитида ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнининг назарий ва услубий асосларини аниқлаш, шунингдек, тажриба-синов методикасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишдан иборат эди. Ушбу мақсадга эришиш учун ўқув жараёнида бир қатор вазифалар қўйилди ва ҳал қилинди.

7. Малака ошириш таълим тизимида ўқитувчиларни масофадан ўқитишнинг психологик-педагогик асослари ҳамда педагогнинг Интернет технологиялари соҳаси бўйича компетентлиги хусусиятлари аниқланди. Бундан ташқари, ўқитувчининг Интернет-технологиялар соҳаси бўйича ваколоти унинг касбий-шахсий хусусиятларининг йиғиндиси сифатида тақдим этилади, бу эса ўқитишда Интернет технологияларидан фойдаланиш қобилиятини акс эттиради. Ўқитувчининг компетентлиги

даражаси унинг Интернет-технологиялардан ўқув жараёнидаги иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам, тегишли дарс машғулотларини ўтказишда ҳам фойдаланиш қобилиятида ва тайёрлигида; татбиқ этиш, экспертизадан ўтказиш, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув ресурслари тармоғини яратиш жараёнида; ўқув технологияларида Интернет технологияларидан фойдаланишнинг ижобий натижаларини сарҳисоб қилишда намоён бўлади.

8. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг Интернет технологиялар соҳаси бўйича қуйидаги компетентлик компонентлари аниқланди:

- мотивацион-қадриятли компонент - касбий фаолиятида Интернет технологияларини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ татбиқ этишга қизиқишни белгилайди; Интернет технологиялари соҳаси бўйича ўз кўникмалар ва тажрибаларни умумлаштиришга тайёрлик; ўз билимлари ва тажрибаларини тингловчилар ва ҳамкасблар билан баҳам кўриш истаги; ўқув жараёнида Интернет технологияларидан фойдаланиш ва замонавий техник ўқув қўлланмалари ва Интернет технологияларини интеграциялаш имкониятларини излашга доимий қизиқишнинг мавжудлиги.

- когнитив-амалий компонент - HTML тилларида сайтларни яратиш бўйича қўшимча билимларни назарда тутати; Интернетда ишлатиладиган турли технологияларни билиш ва уларни амалда қўллаш қобилияти; глобал ёки локал компьютер таълими муҳитида ахборот фаолияти ва ахборотнинг ўзаро таъсирини амалга ошириш воситаларини мустақил равишда танлаш имконияти; ўқув технологияларига Интернет технологияларини жорий эта олиш қобилияти;

- рефлексив-лойиҳалаштириш компоненти - Интернет технологиялари соҳаси бўйича шахсий компетентлик даражасини ва унинг ўсиш шартларини объектив баҳолаш қобилияти билан белгиланади; олинган педагогик тажрибани оммалаштириш учун Интернет технологияларидан шу жумладан замонавий тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ишларни бажара олиш кўникмаси.

9. Татқиқотнинг вазифаларидан бири ўқитувчиларнинг Интернет технологиялари соҳаси бўйича касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шартлари билан боғлиқ. Бундай шартлар масофавий таълим тизимида масофавий ўқитиш жараёнида шакллантирилди. Тажриба-синов маълумотларини қайта ишлаш натижасида қайд этилган педагогик шартлар мажмуасини жорий этиш Интернет-технологиялар соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнини оптималлаштиради, деган хулосага келдик.

ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. масофавий ўқитиш билан Интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз касбий маҳоратини ошириб бориш

зарур;

2. интернет технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида лойиҳа методларидан кенг фойдаланиш лозим;

3. тегишли фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларни Интернет технологияларидан фойдаланишга тайёрлашнинг блокчи-модулли тузилишини жорий этиш мақсадга мувофиқ. .

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.01.2020.Ped 02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

МАННАБОВ ЖАВЛОН ТОХИРОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ
ПЕДАГОГОВ В ПРОЦЕССЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.01 – Педагогическая теория. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинета Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/Ped1284

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете имени Шарафа Рашидова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного Совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet». (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	Шодиев Нарзикул доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шодиев Ризамат Давронович <i>доктор педагогических наук, профессор</i> Мустафоев Шомурод Нормуминович доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент
Ведущая организация:	Навоийский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета Ph.D.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован под №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года (реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

Х.И.Ибраимов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

Ш.Р.Ураков
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
кандидат психологических наук

Н.Ш.Шодиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор педагогических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире особое значение придается развитию профессионального уровня педагогов на основе интернет-технологий, высоко оценивается социально-экономическая эффективность дистанционного образования. Передовые педагогические подходы онлайн-обучения, многоплановые, разнонаправленные и эмоционально-коммуникативные факторы подачи научно-методической информации широко используются образовательными организациями, специализирующимися на подготовке педагогических кадров.

В мире в условиях глобальной и масштабной информатизации проводятся научные исследования по расширению возможностей педагогов по использованию интернет-технологий, интеграции инновационных образовательных технологий и информационных технологий, уточнению состава компетенций, характерных для дистанционного образования. среды в повышении профессионализма педагогов. Эти исследования служат устранению разрыва между развитием системы переподготовки и повышения квалификации педагогов в системе послевузовского образования, профессиональной подготовкой педагогов и новыми требованиями к развитию науки, техники, экономики и общества.

В результате системной работы по повышению качества и эффективности системы образования в нашей стране, формированию современных знаний и умений у молодежи, обеспечению непрерывности и неразрывности образования создаются необходимые условия для эффективного функционирования педагогических работников. В мерах по внедрению системы непрерывного профессионального развития в сфере народного образования определено² “изучение потребностей работников народного образования в повышении квалификации, наряду с традиционным повышением квалификации, внедрение комбинированного, совмещенного с рабочим процессом, дистанционного и других видов профессионального образования”. Это делает актуальной проблему выяснения сущности технологической компетентности педагогов в сфере интернет-технологий, создания учебно-методических комплексов и сетевых образовательных ресурсов, подведения положительных результатов, обучения специалистов эффективным и приемлемым действиям при решении проблемных ситуаций.

Указ Президента Республики Узбекистан от 6 ноября 2020 года № ПУ-6108 “О мерах по развитию образовательно-воспитательной и научной сфер Узбекистана в новый период развития”, от 25 января 2021 года №

²Постановление Президента Республики Узбекистан PQ-4963 от 25 января 2021 года «О мерах по поддержке научно-исследовательской деятельности в сфере народного образования и внедрению системы непрерывного повышения квалификации». 21.07.4963/0064

ПП-4963 “О поддержке научно-исследовательской деятельности в области народного образования и внедрении системы непрерывного профессионального развития о мерах”, ПП-3775 от 5 июня 2018 г. “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых в стране комплексных реформах”, ПП-4119 от 16 января 2019 г. “О дополнительных мерах по совершенствованию системы контроля качества образования” решения, данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных постановлением Кабинета Министров от 17 января 2022 года № 25 “Об утверждении Положения о порядке организации системы непрерывного профессионального развития работников народного образования” и другими нормативными правовыми актами, касающимися организации и развития педагогической деятельности.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данная научно-исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением республиканского развития науки и техники I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социально-правовом, экономическом, культурно-духовном и образовательном развитии республики». информационное общество и демократическое государство».

Уровень изученности проблемы. Фундаментальные исследования по совершенствованию профессиональной подготовки квалифицированных кадров в нашей стране в различных аспектах, теоретические основы организации среды электронного обучения и использования информационных технологий, а также подготовка будущих инженеров к профессиональной деятельности на основе математики и естественнонаучных наук. Это нашло отражение в работах Р.Х.Джураева, Ш.Э.Курбонова, А.Абдукодирова, А.Аскарлова, У.Бегимкулова, Х.И.Ибраимова, У.И.Иноятова, А.Р.Ходжабоева, Н.А.Муслимова, Қ.Т.Олимова, Ш.С.Шарипова, Н.Шодиева, З.К.Исмаиловой, А.Хайтова, Ф.М.Закировой и других ученых.

